

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА  
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ ҚОШИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРИШ БЎЙИЧА PhD.04/05.06.2020.Tib.14.01 ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА  
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**МАКСУДОВА МУХАЙЁ МАНСУРОВНА**

**КАТТА РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАРНИНГ ЭКУ/ICSI  
ЖАРАЁНИДАГИ ТУХУМДОН СТИМУЛЯЦИЯСИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Максудова Мухайё Мансуровна**

Катта репродуктив ёшдаги аёлларнинг ЭКУ/ICSI

жараёнидаги тухумдон стимуляцияси ..... 3

**Максудова Мухайё Мансуровна**

Особенности стимуляции женщин старшего репродуктивного

возраста в протоколах ЭКО/ICSI ..... 25

**Mukhayyo Maksudova**

Features of ovarian stimulation in women of older

reproductive age in IVF/ICSI protocols ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 50

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА  
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ ҚОШИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРИШ БЎЙИЧА PhD.04/05.06.2020.Tib.14.01 ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА  
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**МАКСУДОВА МУХАЙЁ МАНСУРОВНА**

**КАТТА РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАРНИНГ ЭКУ/ICSI  
ЖАРАЁНИДАГИ ТУХУМДОН СТИМУЛЯЦИЯСИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Tib458 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида ([www.akusherstvo.uz](http://www.akusherstvo.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Нажмутдинова Дилбар Камариддиновна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Туксанова Дилбар Исматовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ниязметов Рахматулла Эрматович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий амалий тиббий маркази қошидаги ҳузуридаги PhD.04/05.06.2020.Tib.114.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100124, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 132А. Тел./Факс: ((+99871) 263-33-14, e-mail: [obs-gyn@mail.ru](mailto:obs-gyn@mail.ru)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100124, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 132А. Тел./Факс: (+99871) 263-33-14.

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Д.А. Алиева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**М.М. Файзырахманова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди

**Юсупов У.Ю.**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, академик

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бепуштлик дунёда яшовчи миллионлаб репродуктив ёшдаги инсонларни қамраб олиб, уларни оила ва жамоаларига таъсир этади. ЖССТ берган маълумотларига кўра «... бепуштлик муаммоси дунёдаги 48 миллион жуфтликлардан 186 миллионгача инсонларни ташкил қилган. Бугунги кунга келиб бепуштлиқдан дунё бўйлаб репродуктив ёшдаги 15% оилалар зарар кўриб, уларни сони афсуски камайиб бораётгани йўқ ...»<sup>1</sup>. Ёрдамчи репродуктив технологияларни (ЁРТ) ишлаб чиқилиши ва ривожланиши бепуштлиқни даволашдаги янги босқични яратиб берди. Экстракорпорал уруғлантиришнинг (ЭКУ) биринчи омадли натижаси 1978 йил Буюк Британияда, 1986 йилда эса Россияда, 2018 йилга келиб дунёда ЭКУ йўли орқали 8 миллиондан ортиқ бола дунёга келди. ЭКУни қўллаш бўйича дунёда Испания, Россия, Германия, Франция ва Буюк Британия етакчи ўринларни эгаллайди. ЭКУ самарадорлиги жуфтликнинг ёши, бепуштлик давомийлиги, илгари ўтказилган дастурлар, беморнинг тухумдон захираси ва шеригининг сперма сифати, эндометрийнинг имплантация салоҳияти ва бошқаларга боғлиқ. ЭКУ дастурида ҳомиладорлик 29 ёшдан кичик бўлган бепушт аёлларда 83%, 30-34 ёшдаги беморларда – 61%, 35-39 йил – 34%, 40 ёшдан катта бўлган аёлларда – 27,6% ва донор ооцитлардан фойдаланиш ҳолатларида - 71% ташкил этади. Бугунги кунга келиб, тухумдонни фаоллаштириш баённомасида пешоб ва рекомбинант гонадотропинларни (Гн) қўллашда гонадотропин рилизинг гормонининг (ГнРГ) агонистлари ва антагонистлари кенг қўлланилади. Бироқ, репродуктив ёш ортиган сари фаоллаштириш амалга оширилишига қарамай, ооцитларнинг сифати ёмонлашади, бу кўпинча анеуплоид эмбрионнинг шаклланишига олиб келади. 30-35 ёшдагиларда 24-29 ёшли аёлларга нисбатан анеуплоидия даражаси 5% га юқори ва ёш ўсиши билан прогрессив тезликда ўсиб бориши кузатилган. ЭКУ/ICSI цикли давомида анеуплоидия ооцитларнинг уруғланишининг паст даражаси, эмбрион имплантациясини сусайиши, эмбрионнинг ривожланмаслиги ва ҳомиладорликка эришиш самарадорлиги паст даражаси билан ўзаро узвий боғлиқдир. Юқорида айтилганларнинг барчаси катта репродуктив ёшдаги аёлларда ЭКУ/ICSI баённомаларида тухумдонларни фаоллаштиришнинг оптимал усуллари танлаш замонавий гинекология ва репродуктологиянинг долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳонда катта репродуктив ёшдаги аёлларнинг ЭКУ/ICSI жараёнидаги тухумдон стимуляциясини такомиллаштириш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада катта ёшли репродуктив ёшдаги аёлларнинг ЭКУ/ICSI баённомаларида гонадотроп фаоллаштириш ва *in vitro* ооцит уруғлантиришнинг самарадорлигини ошириш, ҳамда бу жараёнлар сифатига хавfli омилларни таъсири, ЭКУ/ICSI баённомасида ҳомиладорлик

<sup>1</sup> Adamson, G.D. Why are multiple pregnancy rates and single embryo transfer rates so different globally, and what do we do about it? // Fertil. Steril. - 2020. - Vol. 114. № 4. - P. 680-689

даражасини камайтиришда генитал патологияларнинг ўрнини, ооцитларнинг сони ва сифати, уруғлантириш ва эмбрион ривожланишида аёлларнинг гормонал ҳолатини ўрнини таҳлил қилиш, катта ёшли репродуктив ёшдаги аёлларда ЭКУ/ICSI баённомасида рекомбинант ва пешоб гонадотропинларини қўллаш самарадорлиги, муддати ва давомийлиги оптимал даражасини ташлаш, ҳамда ЭКУ/ICSI баённомаси самарадорлигини ошириш ва башоратлаш учун текшириш алгоритми ва баллар жадвалини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, гинекологик касалликларни, эрта ташҳислаш ва самарали даволашга йўналтирилган чора-тадбирларни ўтказишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>1</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда катта репродуктив ёшдаги аёлларнинг ЭКУ/ICSI жараёнидаги тухумдон стимуляциясини такомиллаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 25 апрелдаги ПФ–216-сон «2022–2026 оналик ва болалик муҳофазасини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хорижлик олимлардан Astrid de Bantel-Finet, Elisangela Arbo, Marina Colombani (2022) турмуш қурганларнинг бепуштлигини даволашда ЭКУ/ICSI технологияларидан фойдаланиш имкониятларини ўрганиб чиқишган; Dalton R. Budhram, Daniel Shi, Sarah D. McDonald, Stephen D. Walter (2019) аёлларда бепуштликнинг турли вариантларида ЁРТ технологияларини ишлаб чиқишган; Can Dai, Liang

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Нц, Fei Gong ва бошқалар (2019) аёлларнинг бепуштлигига генетик хусусиятларининг таъсири ва улар асосида бундай беморларни даволаш алгоритми яратишган; Juan Shen, Quanmin Kang, Yuchan Mao (2020) бачадон найлари беркилиши хисобига бепуштлик бепуштлик келиб чиққан аёлларда ЭКУ самарадорлигини баҳолаш имкониятини ўрганиб чиқишган.

МДХ мамлакатларида олимлар Кулаков В. И. гинекологик беморларда ЁРТ мунозарали ва хали ҳал қилинмаган масалаларини ўрганган; Милутина М. А. ЭКУда тухумдон реакцияси суст бўлган аёлларда суперовуляцияни стимуляцияни қўллаш имкониятларини таҳлил қилган; Яковенко Е. М. ва Яковенко С. А. Бепуштликни бартараф этишда ЭКУ ва бошқа усуллари самарадорлигини ўрганишган; Лихачева В. В. Бепуштликнинг турли шаклларида иммунологик хусусиятлари ва уларни ЭКУ натижаларига таъсирини таҳлил қилишган; Паскар С. С. бепуштликни ЭКУ/ICSI асосида даволашда хусусийлаштирилган ёндошувнинг прогностик моделини таклиф қилган; Краснополская К. В., Бурумкулова Ф. Ф., Соколова Е. А. ва бошқалар бепуштлиқда ЭКУ самарадорлигига соматик патологияларнинг таъсирини таҳлил қилишган; Илина А. А. фолликуляр суюқликни ооцитларнинг сифати белгиловчи муҳит воситаси ва ЁРТ дастурлар натижаларига таъсирини таҳлил қилган; Лизикова Ю. А. ЭКУдан кейин ҳомиладорликнинг салбий асоратларини камайтириш ва ЁРТ самарадорлигини ошириш масалаларини борасида илмий изланишлар олиб борган.

Мамлакатимизда фертил ёшдаги аёлларда учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш, самарали даволаш ва олдини олиш борасида қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда (Ж. Ж. Қурбонов, 2021; С. Н. Султонов, 2021; М. Ю. Асатова, 2021; Д. Қ. Нажмутдинова, 2022; Ф. М. Аюпова, 2022; Ш. А. Зуфарова, 2022 ва бошқалар). Бироқ, катта репродуктив ёшдаги аёлларнинг ЭКУ/ICSI жараёнидаги тухумдон стимуляциясини такомиллаштирилмаган, шу билан бир қаторда генитал ва экстрагенитал патологияларда бепуштликнинг турли шакллари учун ЁРТ усулларини ривожлантириш ва такомиллаштириш, ҳамда уларнинг самарадорлигини баҳолаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Лекин шуни таакидлаш зарурки, мамлакатимизда юқори сифатли ооцитлар, эмбрионларни олиш ва уларни ёш жиҳатидан мослашувини таъминлаш механизмларини, республика ЭКУ/ICSI баённомаларни ва ЭКУ билан ҳомиладор бўлган аёлларни ҳолатини баҳолаш бўйича тадқиқотлар етарли даражада эмас.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Турли иқлим шароитларида фертил ёшдаги аёллар патологик ҳолатларни батараф қилишнинг замонавий технологиялари» (2018-2022) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** ЭКУ/ICSI баённомаларида катта репродуктив ёшдаги аёлларда тухумдонларни стимуляция қилиш усулларини оптималлаштиришдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

катта ёшли репродуктив ёшдаги аёлларнинг ЭКУ/ICSI баённомаларида гонадотропик стимуляция самарадорлигини баҳолаш;

*in vitro* ооцит уруғлантиришнинг самарадорлиги ва сифати учун хавфли омилларни аниқлаш, аёлларнинг ЭКУ/ICSI баённомасида ҳомиладорлик даражасини камайтиришда генитал патологияларнинг ўрнини баҳолаш;

ооцитларнинг сони ва сифатиغا, уруғлантириш ва эмбрион ривожланиш даражасига аёлларнинг гормонал ҳолати таъсирини баҳолаш;

катта ёшли репродуктив ёшдаги аёлларда ЭКУ/ICSI баённомаларида рекомбинант ва пешоб гонадотропинларини қўллаш муддати, давомийлиги ва самарадорлигини баҳолаш;

юқори репродуктив ёшдаги аёлларда ЭКУ/ICSI протоколи самарадорлигини башоратлар мақсадида текшириш алгоритми ва баллар жадвалини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2015-2020 йилларда Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг бирламчи ва иккиламчи бепуштлик билан хасталанган экстракорпорал уруғлантириш усули қўлланилган 124 нафар аёлларда асосий гуруҳни 92 нафар аёллар ва назорат гуруҳи 32 нафар аёллар ташкил қилган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, катта репродуктив ёшдаги аёлларнинг ЭКУ/ICSI баённомасида тухумдон стимуляциясини такомиллаштириш мақсадида комплекс рекомбинант ва пешоб гонадотропинлари, беморларнинг периферик қони, стимуляция қилинган ооцитлар, сперма сифати, эмбрион сифатини баҳолаш материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда катта репродуктив ёшдаги аёлларнинг ЭКУ/ICSI жараёнидаги тухумдон стимуляциясини такомиллаштиришда функционал, биокимёвий, иммунофермент, цитологик, морфологик ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

катта репродуктив ёшдаги аёлларда ЭКУ/ICSI баённомасида пешоб гонадотропинларидан фойдаланиш рекомбинант фолликула стимулловчи гормон билан таққослаганда эмбрион ривожланишининг юқори динамикаси, ривожланишнинг 5 кунда эмбрионнинг бачадон бўшлиғига ўтказилишининг юқори даражаси, ҳамда «морула» ва «бластоцист» босқичларида криоконсервация даражасини юқорилиги билан тавсифланган;

катта репродуктив ёшдаги аёлларда пешоб гонадотропинларини қўллашда бешинчи кун эмбрионлари кўпроқ бўлишини ҳисобга олсак, экстракорпорал уруғлантиришга қайта келган беморларга фақат пешоб гонадотропинларидан фойдаланилган;

катта репродуктив ёшдаги аёлларда экстракорпорал уруғлантириш натижалари тубэктомия ўтказишдан олдин дастлабки ооцитларни олиш орқали сезиларли даражада ошиши, тубэктомиядан сўнг овариал захиранинг жадал пасайиши кузатилади, катта репродуктив ёшдаги аёлларда ЭКУ/ICSI баённомаларида ҳомиладорлик даражаси тухумдонлар етишмовчилиги,

сурункали салпингоофорит ва кломифен резистентлиги бўлмаган тақдирда ортиши исботланган;

биринчи марта катта репродуктив ёшдаги аёлларда ЭКУ/ICSI баённомаси ижобий натижасини башоратлаш ва самарадорлигини баллик баҳолаш жадвали ишлаб чиқилиб, унга кўра 3 балл - бошланғич поғона, 4-6 баллгача клиник ҳомиладорлик эҳтимоли 21,8 баробарга, прогностик 7-9 балл даражасида ҳомиладорлик эҳтимоли 0-3 баллга эга беморларга нисбатан 120 баробарга ошиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

рекомбинант фолликула стимулловчи ва айниқса пешоб гонадотропинларини қўллаган ҳолда, катта ёшдаги ва кечки репродуктив ёшдаги аёлларда ЭКУ/ЭКУ+ICSI баённомалари бўйича тавсиялар ҳамда стимуляция муддати ва давомийлиги баҳоланган;

катта репродуктив ёшдаги аёлларда ЭКУ самарадорлигини башоратлаш алгоритми ишлаб чиқилган;

катта ёшдаги ва кечки репродуктив ёшдаги аёлларда тухумдон стимуляция бошланишидан аввал ва гонадотропинлар юборилгандан сўнг 3чи кунда ФСГ, ЛГ, эстрадиол, АМГ ва ингибин В миқдорини аниқлаш, фаоллаштирувчи триггер юборилган куни – ФСГ, ЛГ ва эстрадиол миқдори, ооцитлар олинишининг 3-5 кунларида уруғлантириш, эмбрионнинг бачадон бўшлиғига трансплантация қилишнинг 14-кунда хорионик гонадотропин миқдори ва 1-2 hafta мобайнида ултратовуш текширувда ҳомила тухумининг баҳолаш тартиби мужассамланган;

катта ёшдаги ва кечки репродуктив ёшдаги аёлларда ЭКУ/ЭКУ+ICSI баённомасининг самарадорлигини баҳолаш учун 7 параметрдан иборат балл шкаласи ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган функционал, биокимёвий, иммунофермент, цитологик, морфологик ва статистик тадқиқот усуллари асосида катта репродуктив ёшдаги аёлларнинг ЭКУ/ICSI жараёнидаги тухумдон стимуляциясини такомиллаштиришнинг ўзига хослиги ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, репродуктив тизим органларига жарроҳлик аралашувларнинг аҳамияти, тухумдонлар етишмовчилиги мавжудлиги, катта ва кечки репродуктив ёшдаги аёлларда ЭКУ/ЭКУ+ICSI самарадорлигида кломифен резистентлиги, катта репродуктив ёшдаги аёлларда ЭКУ баённомаларда ҳомиладорлик даражаси анамнезида тухумдон етишмовчилиги, анамнезда сунъий аборт, тубэктомия бўлмаган тақдирда ортишини баҳолашнинг назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, катта репродуктив ёшдаги аёлларда ЭКУ/ЭКУ+ICSI баённомаси натижаларни башоратлашда текшириш учун алгоритм ва самарадорлигини баҳолаш жадвали ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра 0-3 балл кўрсаткичга эга беморларга нисбатан 3 балл кўрсаткичи бошланғич, 4 дан 6 баллгача кўрсаткичда клиник ҳомиладорлик эҳтимоли 21,8 баравар ошиши, башоратлаш градацияси 7-9 балл кўрсаткичда эса ҳомиладорлик эҳтимоли 120 мартаба ошиши ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берганлиги билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиши.** Катта репродуктив ёшдаги аёлларнинг ЭКУ/ICSI жараёнидаги тухумдон стимуляциясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

катта репродуктив ёшдаги аёлларнинг ЭКУ/ICSI жараёнидаги тухумдон стимуляциясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида «Бепуштликка учраган катта репродуктив ёшдаги аёлларни юритиш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 20 январдаги 8-н-д/2-сон маълумотномаси). Мазкур тавсияномада катта репродуктив ёшдаги аёлларнинг ЭКУ/ICSI жараёнидаги тухумдон стимуляциясини кломифен резистентлиги, катта репродуктив ёшдаги аёлларда ЭКУ баённомаларда ҳомиладорлик даражаси анамнезида тухумдон етишмовчилиги, анамнезида сунъий аборт, тубэктомия бўлмаган тақдирда ортишини баҳолаш орқали касалликни эрта ташҳислаш ва аёлларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

катта репродуктив ёшдаги аёлларнинг ЭКУ/ICSI жараёнидаги тухумдон стимуляциясини такомиллаштириш натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳридаги «Центр здоровья женщин Laylon» ва «Doctor DI» ихтисослаштирилган клиникаларида қўлланилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 30 декабрдаги 08-41744-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши ва катта репродуктив ёшдаги аёлларда ЭКУ/ЭКУ+ICSI баённомаси самарадорлигини баллик баҳолаш жадвалига асосан, 3 балл кўрсаткичи бошланғич ҳисобланиб, 0-3 балл кўрсаткичга эга беморларга нисбатан 4 дан 6 баллгача кўрсаткичда клиник ҳомиладорлик эҳтимоли 21,8 баравар ошиши, прогностик 7-9 балл кўрсаткичда эса ҳомиладорлик эҳтимоли 120 мартаба ошиши ва аёлларнинг ҳаёт сифатини ошириш имкони берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманда муҳокама қилинган, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та

мақола, жумладан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Катта ёшдаги аёлларнинг репродуктив фаолияти ва ЭКО-технология имкониятларининг замонавий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида ушбу тиббий муаммонинг фундаментал илмий маълумотлари таҳлил қилинган. Адабиёт шарҳида муаллиф катта репродуктив ёшдаги аёлларда репродуктив функциянинг ўзига хос хусусиятлари, тухумдонлар захирасини баҳолашга замонавий ёндашувлар, катта ёшдаги аёлларда тухумдонларни стимуляция қилиш хусусиятлари, замонавий нуқтаи назар ҳақида замонавий адабий маълумотларга изоҳ бериб ўтади, ЭКУ цикллари, катта репродуктив ёшдаги аёлларда ооцитлар ва эмбрионларнинг морфо-функционал хусусиятлари, бу муаммонинг ҳал қилинмаган масалаларини ва уларни ҳал қилиш зарурияти бўлганлигини очиб беради.

Диссертациянинг «**Бепуштлиқ билан хастланган аёлларни клиник шароитда баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширилаётган аёлларнинг клиник маълумотлари, ооцит стимуляцияси протоколи ва ЭКУ/ЭКУ+ICSI, тадқиқот усуллари мавжудлиги ёритилган. Россия тиббиёт фанлари Академиясининг Д.О. Отт номли акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институтининг ёрдамчи репродуктив технологиялар бўлимида кузатилган 124 ёшдан 34 ёшгача бўлган 45 нафар бемор-аёллар ўртасида сўров ўтказилган. Беморлар ушбу тадқиқотда иштирок етишга ёзма розилик берган. Тадқиқот очик тарзда, проспектив, тасодифий бўлган.

Тадқиқотга беморларни жалб этиш мезонлари қуйидагилардан иборат эди: 34-45 ёш; бепуштлиқ (ановуляция, най-перитониал, комбинацияланган); ЭКУ циклида иштирок етиши; ЭКУ циклида тухумдонларни стимуляция қилиш учун рекомбинант ёки пешоб гонадотропинларидан фойдаланиш; гипофиз безини десенситизация қилиш учун ГнРГ антагонистларидан фойдаланиш. Истисно мезонлари қуйидагилар эди: гипер ва гипогонадотропик тухумдон етишмовчилиги; поликистоз тухумдон синдроми; II - III даражали семириш; оғир соматик касалликлар;

ҳозирда ёки анамнезда қайд этилган хатарли ўсмалар. Беморларнинг клиник текширувига анамнез ҳулосаларини йиғиш, бирламчи текшириш, гинекологик текширув киради. Беморлар 2 гуруҳга бўлинган: асосий гуруҳ (92 бемор), уларга рекомбинант ФСГ - Пурегон (Органон, Нидерландия) ёки Гонал-Ф (Сероно, Германия) менструал циклининг 2-кунидан бошлаб тухумдонларни стимуляциялаш учун АОК амалга оширилган; таққослаш (32 нафар бемор аёл), улар ҳайз даврининг 2-кунидан бошлаб сийдик гонадотропинлар препаратлари билан АОК қилинган (Менопур, Ферринг, Швейцария). Биринчи ва иккинчи гуруҳлардаги гонадотропинларнинг бошланғич дозаси 150-250 ИУ ташкил этди. ГнРГ антагонистлари - Оргалутран (Мерк, АҚШ) ёки Цетрорелих (Сероно, Германия) бир сутка давомидаги етакчи фолликул диаметри 13-14 мм га етганидан кейин (мослашувчан протокол) 0,25 мг миқдорда тери остига киритилди. Фолликулаларни якуний етилиши сони 3 та фолликулага етганда (рекомбинант ХГЧ, Овитрел (6,5 минг ИУ) (Сероно, Германия) ёки пешоб ХГЧ, Прегнил (10 минг МЕ) (Мерк, АҚШ) диаметри 17 мм ва ундан ортиқ бўлган ҳолда тавсия этилади. Барча беморларга интравагинал равишда ҳомиладорликни тасдиқлаш ёки инкор этиш учун утрожестан препаратини кунига 600 мг эмбрион кўчирилгандан кейин 14-кун қонда ХГЧ нинг  $\beta$ -суббирлигини аниқлашга мувофиқ чиқариб ташланмагунча буюрилган. Ҳомиладорлик тести ижобий деб ҳисобланиши учун ХГЧ даражаси 20 ИУ/л дан ортиқ бўлиши керак (биокимёвий ҳомиладорлик). Клиник ҳомиладорликнинг ултратовуш диагностикаси эмбрион кўчирилгандан сўнг 21 кун ўтгач амалга оширилди, шундан сўнг беморларнинг кейинги босқичдаги даволаниши белгиланди. Ҳомиладорлик тасдиқланган беморларда парваришлаш терапияси 7-8 ҳафтагача, агар керак бўлса, ҳомиладорликнинг 12-13 ҳафтасигача индивидуал равишда давом эттирилди. Ҳомила ташлаш ҳавфи мавжуд бўлса, комплекс терапияга гемостатик ва седатив хусусиятига эга бўлган дорилар киритилиб прогестероннинг дозаси кунига 800 мг гача оширилган.

Тадқиқот давомида ЭКУ цикларида тухумдонларни стимуляция қилишнинг қуйидаги кўрсаткичларини таҳлил қилди: гонадотропинларнинг курс дозаси; тухумдонларни стимуляция қилиш давомийлиги; ўсаётган фолликуллар сони; фолликулаларнинг якуний триггер куни; тухумдон пункцияси амалга оширилишининг частотаси; тухумдон пункцияси амалга оширилган куни; пункция давомида олинган ўртача ооцитлар сони; ооцитлар олинмаган тухумдон пункциясининг частотаси; фолликулалар ўсишининг етишмаслиги туфайли стимуляция циклини бекор қилиш частотаси. Кичик тос аъзоларининг ултратовуш текшируви Медисон қурилмасида (Жанубий Корея) ўтказилди. 7,5 Мгц sensor ёрдамида трансвагинал текшириш техникаси ишлатилди. Ултратовуш текшируви миометриум (тузилиш, тугунларнинг мавжудлиги, тугунларнинг катталиги, уларнинг тузилиши), эндометриум (қалинлиги, тузилиши), тухумдонлар (антрал фолликулаларнинг ҳажми ва сони) ҳолатини аниқлади. Менструал циклининг 2-3-кунларида овариал захирани баҳолаш учун антрал фолликуллар ҳисобланди. Ултратовуш тухумдонларни стимуляция қилиш даврларида

фолликуланинг ўсиши ва эндометрий қалинлигини кузатиш, шунингдек, шубҳали ҳомиладорликни аниқлаш ва мониторинг қилиш учун ишлатилди. Беморларнинг қонидаги гормон миқдорини аниқлаш учун меъёрий тўпламлар ёрдамида иммунофермент усули қўлланилди. Менструал циклни 2-3-кунларида фолликулани стимуляция қилувчи гормон (ФСГ), лютеинлаштирувчи гормон (ЛГ), эстрадиол (Е2), пролактин, эркин тестостерон, дегидроэпиандростерон-сулфат (ДГА-С), 17-оксипрогестерон, В-ингибин миқдорлариг қон зардобиди аниқланди; ҳайз циклининг кунидан қатъий назар антимюллер гормони (АМГ) миқдори аниқланди. Ооцитларнинг триггер якуний етилган куни қон зардобиди ЛГ ва Е2 нинг миқдори аниқланди. Эмбрион кўчирилгандан кейин 14-куни ҳомиладорликни аниқлаш учун беморларнинг қон зардобиди хорионик гонадотропиннинг  $\beta$ -суббирлиги миқдори иммунохемилюминесцент усули билан аниқланди.

*Тухумдонларнинг трансвагинал пункцияси* хорионик гонадотропиннинг овуляция дозаси киритилгандан 36 соат ўтгач кичик операция хонасида қисқа муддатли вена ичига наркоз юбориш ва УТТ назорати остида амалга оширилди. Вакуумли сўргич ёрдамида фолликуляр суюқлик стерилланган пробиркаларга берилди. Олинган фолликуляр суюқлик ооцитларни аниқлаш ва уларни кейинчалик уруғлантириш мақсадида эмбриологга топширилди. Ооцитларнинг сифатини аниқлаш ва баҳо бериш микроскопик усулда амалга оширилди. Ооцитнинг етуклик даражаси ооцит-cumulus комплексларининг ҳолати билан баҳоланди. Морфологик хусусиятларга кўра, ооцитлар етук, етишмаган ва дегенеративларга бўлинди. Олинган ооцитларни уруғлантириш учун ҳар бир ооцит учун камида 100 минг фаол ҳаракатланувчи сперматозоид концентрациясига эришилгунга қадар, ооцитлар лункасига томчилар билан сиртга чиққан сперматозоидлар билан суюқлик қўшилди. Уруғлантирилгандан кейинги кунда cumulus oophorusдан чиқарилган ооцитлар янги муҳитли лункаларга ўтказилди, уруғлантириш эса 2 пронуклеус мавжудлиги орқали баҳоланди. Эмбриологик ICSI процедурасини ўтказишдан аввал ооцитлар гиалуронидаза ферменти ёрдамида кумулус хужайраларидан тозаланди. Ферментлар билан ишлов берилгандан сўнг, ооцитлар буферланган HEPES муҳитида ювилди.

ICSI якунида ооцитлар зудлик билан културал муҳитга ўтказилди ва кейинчалик *in vitro* уруғлантиришнинг стандарт усулидан кейин худди шу тарзда етиштирилди. Ушбу амалиётда ICSI усули эркак бепуштлиги омили бўлган беморларда қўлланилди.

Эмбрионларнинг сифати қуйидаги параметрларнинг йиғиндиси асосида баҳоланди: эмбрионларнинг парчаланиш тезлиги, бластомерларнинг симметрияси, цитоплазматик фрагментация даражаси (<10%, 10-30%, >30%), бластомерларнинг мултинуклеарлиги. Тадқиқотда А. Van Steirghem (1995) бўйича эмбрион сифатининг таснифланиши қўлланилди. Бластоцист босқичига етган эмбрионлар Гарднер (1999) бўйича таснифланди.

Эмбрионларни бачадон бўшлиғига ўтказиш Edwards-Wallace типидидаги маҳсус бир марталик катетер ёрдамида *in vitro* етиштириш бошланганидан кейин 3-4 ёки 5 сутка (72-96-120 соат) мобайнида амалга оширилди.

Эмбрионлар микроскоп остида махсус бир марталик катетерга жойлаштирилди ва цервикал канал орқали беморнинг бачадон бўшлиғига киритилди. Ўтказиладиган эмбрионлар сони индивидуал тарзда, ҳар бир аниқ вазиятга нисбатан алоҳида танланди, аммо 2 эмбриондан ошмади.

Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш, шунингдек чизмалар ва диаграммаларни тузиш OriginPro 7,5 амалий дастурий таъминот тўплами (Microsoft, АҚШ) ёрдамида амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Текширилаётган беморларнинг соматик ва репродуктив саломатлиги ҳолати**» деб номланган учинчи бобида текширилаётган беморларнинг клиник тавсифномалари, тухумдонларни стимуляция қилиш кўрсаткичлари келтирилган. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, биз кўриб чиққан икки гуруҳ ёш, тана массаси индекси, бепуштлик давомийлиги билан таққосланса бўлади. Бепуштликнинг давомийлиги асосий гуруҳда ўртача  $8,3 \pm 5,2$  ва  $7,7 \pm 4,6$  йилларни ташкил этди. Бирламчи бепуштлик ҳар учинчи беморда содир бўлган. 83 беморда иккиламчи бепуштлик аниқланди.

Ҳам асосий, ҳам таққослаш гуруҳида бепуштликнинг энг кенг тарқалган этиологик омили – найчалар омили (асосий ва назорат гуруҳларида мос равишда 66,3 ва 68,8%), эркак омили 39,1 ва 34,4% ҳолларда, эндокрин касалликлар (ановуляция/НЛФ) - 26,1 ва 15,6% ҳолларда, идиопатик - 1,1 ва 3,1% ҳолларда мос равишда таққослаш ва асосий гуруҳларида аниқланган. Менструал циклнинг бузилиши 5,5 ва 12,5% ҳолларда кузатилган.

Иккиламчи бепуштлик кузатилган беморларнинг анамнезида асосий гуруҳдаги ҳомиладорликнинг максимал сони 7, таққослаш гуруҳида – 5ни ташкил этди. Анамнезда бир марта туғруқ асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳидаги беморларнинг 23,9 ва 34,4% бўлган. Такрорий туғруқ асосий гуруҳдаги аёлларнинг 4,4%да кузатилган. Ягона ва кўп сунъий, ҳамда спонтан абортлар, ривожланмаган ҳомиладорлик иккала гуруҳдаги беморларнинг анамнезида бўлган.

Тадқиқот гуруҳларида катта репродуктив ёшдаги аёлларда гинекологик касалликлар билан касалланиш бўйича сурункали салпингофорит (78,3 ва 87,5%), бачадон миомаси (26,1 ва 15,6%), жинсий йўлларнинг инфекциялари (63 ва 65,6%) биринчи ўринда туради. Асосий ва таққослаш гуруҳларидаги беморларнинг 80 ва 91,2% жарроҳлик тарихига эга эди. Асосий беморларнинг 66,7% ва таққослаш гуруҳининг 76,5% лапароскопик жарроҳлик амалиётини ўтказдилар, аёлларнинг учдан биридан кўпроғи лапароскопия амалиётини такроран ўтказдилар. Лапаротомия анамнезда содир бўлган, деярли ҳар учинчи беморда, такрорий лапаротомия асосий гуруҳдаги аёлларнинг 4,4% томонидан амалга оширилган. Бачадон ичи жарроҳлик амалиёти иккала гуруҳнинг ҳар иккинчи беморида кузатилди, гистероскопия ҳар учинчи беморда учради. Бачадона операцияларидан энг кенг тарқалганлари бу бачадонда эндометриоз ўчоқдарининг коагуляцияси (22,2%), миомэктомия (12,2%), кесар кесилиши (4,4%). Бачадон найчалари бўйича операциялардан сактосальпинкс амалга оширилди (11,7%), бачадон найчаларини икки томонлама олиб ташлаш (21,8%), бир томонлама тубэктомия (8,6%), найчаларнинг ўтказувчанлигини тиклаш бўйича

операциялар (13,8%), тос аъзоларида спайкаларни ажратиш беморларнинг ярмидан кўпроғида амалга оширилди, салпингоовариолизис аёлларнинг ярмида ўтказилган, ҳар бешинчи бемор аёлда найчаларнинг ўтказиш даражаси талаб меъёрида бўлган. Тухумдон жарроҳлиги асосий гуруҳда ҳар тўртинчи бемор ва таққослаш гуруҳида – ҳар учинчи беморда амалга оширилган. Битта тухумдонни резекция қилиш амалиёти беморларнинг 8,5% га қўлланилди, аёлларнинг 20,6% тухумдон цистэктомияси ўтказилди, текширилганларнинг 3,2% бир томонлама овариэктомия ташҳиси қўйилди. Текширилаётган гуруҳдаги аёлларда гормонал касалликларни коррекция қилиш учун циклнинг иккинчи босқичида экстроген-гестагенн даволаш қўлланилди, пролактинни камайтирувчи дорилар ва гестогенлар билан даволаш ўтказилди. ГнРГ агонистлари ташқи генитал эндометриозни даволаш учун ҳам ишлатилган. ГнРГ агонистлари кўпинча ташқи-генитал эндометриозни даволаш учун иккала гуруҳда ҳам қўлланилган. Иккала текширилган гуруҳда ҳам бошқа турдаги касалликлар аниқланди. Энг кўп аниқланган соматик патологиялар юрак-қон томир (20,2%), гепатобилиар (11,3%), эндокрин (12,1%) бўлган, камдан-кам ҳолларда сийдик, нафас олиш тизимлари, ошқозон-ичак тракти касалликлари эди.

Биз ўтказган тухумдон стимуляцияси асосий гуруҳдаги аёлларнинг 70,3% ва таққослаш гуруҳидаги беморларнинг 68,8% анамнезда биринчи бўлган. Гуруҳларда сезиларли фарқлар аниқланди: кломифен цитрат стимуляцияси асосий гуруҳ беморларнинг 10,9% ўтказилган бўлиб, таққослаш гуруҳларида эса 29% ташкил этиб асосий гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 3 маротаба кўп учраган; кломифен резистентлиги - асосий ва таққослаш гуруҳларининг 11,9 ва 28,2% ҳолатларида кузатилган. ЭКУ амалиёти иккала гуруҳларда деярли ҳар учинчи беморнинг касаллиги тарихида учраган (29,7 ва 31,3%).

Анамнездан бизга маълум бўлган протоколлар орасида қисқа муддатли стимуляция протоколи асосий гуруҳда 6,6% беморларда кузатилган бўлса, таққослаш гуруҳида эса қисқа ва рФСГ билан узоқ протокол, ҳамда ГнРГ ва рФСГ антагонистлари билан протоколи бир хил частотада аниқланган (6,3%). Ушбу гуруҳлардаги турмуш ўртоқларнинг эякулятини ўрганиш иккала гуруҳларда ҳам спермограммани меъерий қийматлар 38%да аниқланган. Сперма таҳлилида салбий ўзгаришларнинг кенг тарқалган шакллари асосан астенотератозооспермия (19,6 ва 29%) ва тератозооспермия (14,1 ва 12,9%) кўринишида бўлган. Донор спермаси асосий ва назорат гуруҳларда 7,6 ва 9,7% ҳолларда қўлланилган.

Юқорида айтилганларнинг барчаси тухумдонларни стимуляцияси усуллари индивидуал танлаш орқали ЁРТ тактикасини такомиллаштиришни талаб қилди.

Тадқиқот ЭКУ/ЭКУ+ICSI циклида тухумдонларни стимуляция қилишнинг қуйидаги кўрсаткичлари таҳлил қилинди: гонадотропинларнинг курс дозаси; тухумдонни стимуляция қилиш давомийлиги; ўсаётган фолликуллар сони; фолликулаларнинг якуний пишиб етишининг кўзғатувчиси киритилган кун; тухумдон пункциясининг частотаси; тухумдон пункциясининг куни; пункция пайтида олинган ооцитларнинг ўртача сони;

ооцитлар олинмаган тухумдоннинг пункциясининг частотаси; фолликуллар ўсиши ортда қолиши ҳисобига стимуляция циклини тўхтатиш частотаси. рГН ёрдамида тухумдонларни стимуляция қилиш давомийлиги мГН дан фойдаланганда сезиларли юқори бўлди (1-жадвалга қаранг). Жумладан, асосий гуруҳда стимуляция давомийлиги  $9,3\pm 0,2$  кун, таққослаш гуруҳида эса  $8,6\pm 0,3$  ( $p<0,05$ ) кунни ташкил этди. Бундан ташқари, таққослаш гуруҳида, якуний етилиш триггери асосий гуруҳга нисбатан аввалроқ киритилди (мос равишда менструал циклининг  $10,5\pm 0,3$  ва  $11,4\pm 0,2$  кунни,  $p<0,05$ ).

### 1-жадвал

#### Текширилган гуруҳдаги беморларда гонадотропинлар ёрдамида тухумдонларни стимуляция қилиш кўрсаткичлар ( $M\pm m$ )

Кўрсаткич	Асосий гуруҳ	Таққослаш гуруҳи	p
Гонадотропинларнинг курс миқдори, МЕ	2035,4±93,9	1947,6±131,4	
Стимуляция давомийлиги, кунлар	9,3±0,2	8,6±0,3	>0,05
Етилаётган фолликулалар сони	7,5±0,5	5,7±0,5	<0,05
Фолликулларнинг якуний етилиши триггери киритилган кун, д.м.ц.	11,4±0,2	10,5±0,3	<0,05
Тухумдонлар пункциясини ўтказиш даражаси, %	91,8	93,8	>0,05
Тухумдонлар пункциясини ўтказиш кунни, д.м.ц.	13,3±0,3	12,8±0,3	>0,05
Тухумдонлар пункцияси натижасида олинган ооцитларнинг ўртача сони	6,4±0,5	5,6±0,7	>0,05
Ооцитлар олинмаган тухумдонлар пункцияси частотаси яичников, %	7,6	6,3	>0,05
Циклни бекор қилиш частотаси (тухумдонларнинг гонадотроп стимуляцияси натижасида фолликулалар ўсишининг тўхташи), %	1,1	0	>0,05

Ультратовуш мониторингида аниқландики, гонадотроп стимуляция давомида ўсиб бораётган фолликуллар сони асосий гуруҳ беморларида таққослаш гуруҳидагиларга нисбатан 1,32 марта юқори эди:  $7,5\pm 0,5$  ва  $5,7\pm 0,5$ , мос равишда ( $p<0,05$ ). Тухумдон пункцияси орқали олинган ооцитлар сони, гонадотропинларнинг умумий миқдори, тухумдон пункциясининг частотасида ва текширилаётган гуруҳларнинг беморларида тухумдон пункцияси кунда статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар қайд этилмади.

Корреляцион таҳлил беморларнинг ёши ва фолликуллар пункцияси ёрдамида олинган ооцитлар сони ўртасида муносабат мавжудлиги аниқлади. Эрақак бепуштлик омилига эга беморларда мазкур омил йўқ беморларга нисбатан 1,45 марта кўп сонли ооцитлар олинди (мос равишда  $5,3\pm 0,5$  ва  $7,7\pm 0,7$ ,  $p<0,01$ ). Протоколга кириш вақтида текширув гуруҳидаги аёлларда тухумдонларнинг гормонал функцияси етишмовчилиги бўлса,

гонадотропинларнинг сарф дозаси ва тухумдонларни стимуляция қилиш давомийлиги оширилди. Жумладан, тухумдонларнинг нормогонадотроп гормонал етишмовчилик ҳолларида гонадотроп доза  $2070,9 \pm 99,1$  МЕ, етишмовчилик бўлмаган тақдирда -  $1894,7 \pm 120,2$  МЕни ташкил этди ( $p < 0,001$ ). Тухумдон функцияси нормогонадотропик, нормопрولاктинемик гормонал етишмовчилик мавжудлигида стимуляция давомийлиги сезиларли даражада фарқ қилмади, бу  $9,2 \pm 0,3$  кунни, ушбу омилнинг мавжуд бўлмаганида эса  $9,1 \pm 0,2$  кунни ташкил этди ( $p > 0,05$ ). Тухумдонларда ўтказилган жарроҳлик аралашувлари гонадотропик стимуляция самарадорлигини пасайтиради. Хусусан, анамнезда тухумдон кистасини олиб ташлаш мавжуд бўлганда беморларда тухумдон пункциси давомида олинган ооцитлар сони анамнезда ушбу жарроҳлик аралашувли бўлмаган гуруҳига қараганда сезиларли даражада  $1,48$  баравар кам бўлиши кузатилди ( $4,6 \pm 0,7$  ооцитлар) ( $6,8 \pm 0,5$ ;  $p < 0,05$ ). Анамнезда тухумдон кистасини олиб ташлаш мавжуд бўлган аёлларда ооцитлар сони  $2$  баравар кам бўлиб,  $3,3 \pm 0,7$ га тенг эди, бу аралашув бўлмаган ҳолда кўрсаткич  $6,5 \pm 0,5$ ни ташкил этди ( $p < 0,05$ ). Анамнезда тубэктомия мавжуд бўлганда, олинган ооцитлар сони ҳам  $1,52$  марта бўлган, яъни  $6,1 \pm 0,5$ ни ташкил қилган, йўқ бўлганда эса  $9,3 \pm 1,8$  ооцитлар олинган ( $p < 0,05$ ).

Шундай қилиб, тухумдонларни стимуляция қилиш самарадорлиги ва олинган ооцитлар сонига турли омиллар таъсирининг қиёсий ўрганилиши ўтказилди. Беморнинг ёши, эркак бепуштлиги омили, тухумдонларнинг гормонал функцияси ҳолати, тухумдонлар ва найчалардаги жарроҳлик аралашувлари муҳим омиллар ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, рГТдан тухумдонлар функциясини стимуляция қилишда рГТдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, негаки ооцитлар сони анча юқори эди. Тухумдонларнинг стимуляцияга жавоби турли омилларга боғлиқ бўлиши мумкинлигини эътироф этиш зарур.

Жумладан, гонадотропин стимуляциясига заиф жавоб кузатилган беморда бачадон миомаси ( $55,2\%$ ), цистэктомия ( $72,7\%$ ) ва агар беморда туғруқ бўлмаса ( $43,1\%$  ҳолатларда) кузатилади.

2-жадвалда ЭКУ/ICSI протоколида тухумдонлар реакциясининг гонадотропин стимуляциясига гормонлар даражаси ва ёшига боғлиқлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

## 2 – жадвал

### ЭКУ/ICSI протоколида тухумдонлар реакциясининг гонадотропин стимуляциясига гормонлар даражаси ва ёшига боғлиқлиги ( $M \pm St$ )

Кўрсаткич	Тухумдонларнинг «сув жавоби»	4 ва ундан кўп ооцитлар олинди	P
Ёш	$38,8 \pm 0,5$	$37,6 \pm 0,3$	$< 0,05$
2 д.м.ц. нмоль/л.га ФСГ	$7,8 \pm 0,4$	$6,4 \pm 0,2$	$< 0,01$
АМГ	$1,2 \pm 0,2$	$2,2 \pm 0,2$	$< 0,005$

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, стимуляцияга заиф жавоб берадиган аёлларда менструал циклининг иккинчи ўн йиллигида ФСГ

миқдори  $7,8 \pm 0,4$  нмоль/л.ни ташкил этган бўлса, ижобий натижага эга бўлган гуруҳда эса унинг миқдори ўртача  $6,4 \pm 0,2$  нмоль/л.ни ташкил этди, бу ўз навбатида сустр натижалари аёлларга нисбатан 1,22 мартаба паст бўлган ( $p < 0,01$ ). Сустр натижаларга эга бўлган аёлларнинг периферик қонидаги АМГ миқдорини таҳлил қилиш  $1,2 \pm 0,2$  нмол/л.ни ташкил этди, стимуляцияга яхши жавоб берадиган беморларда эса  $2,2 \pm 0,2$  нмол/л.ни ташкил этди, бу заиф жавобли аёлларнинг кўрсаткичларидан 1,83 барабар юқоридир ( $p < 0,005$ ).

Айтиш зарурки, асосий гуруҳда 4 ва ундан ортиқ ооцит олиш имконияти таққослаш гуруҳига нисбатан (58,1%) бир мунча юқори (65,2%) ( $OR=1,35$ ,  $p < 0,05$ ). Олинган маълумотлар етарли миқдордаги ооцитларни олиш учун тухумдонларни стимуляция қилишнинг тавсия этилган усулининг самарадорлигини кўрсатади.

Сўнг гонадотропин томонидан сарфланган курс дозасини таҳлил қилдик. Дарвоқе, анамнезда миомэктомия мавжуд ҳолда, тухумдон стимуляция қилиш учун гонадотропиннинг курс дозаси ўртача  $2437,7 \pm 241,2$  МЕни ташкил этади, зеро бу кўрсаткич миомэктомияга чалинган беморларга нисбатан 1,26 мартаба кам ( $p < 0,05$ ) -  $1953,6 \pm 80,4$  МЕ. Шунинг учун, миометрия тузилмасининг ўзгариши, гонадотропинларнинг катта захирасини талаб қилган ҳолда, маълум даражада ооцитларнинг етилишига таъсир қилади деб тахмин қилиш мумкин. Бу анамнезда миомэктомия бўлган беморларда гонадотропинлар билан стимуляция қилинганида тухумдондаги ооцитларнинг камроқ сони билан тасдиқланади. Шунингдек, миомэктомия бўлган 15 нафар аёлнинг 3 нафариди стимуляция пайтида ооцитлар олинмади, бу 20% ҳолларни ташкил этди, миомэктомия қилинмаган беморлар гуруҳида бу кўрсаткич 4,5% ( $p < 0,05$ )ни ташкил этди. Шу билан бирга, анамнезда тухумдонларнинг кломифен резистентлиги мавжуд бўлганда аёлларда, тухумдонларни стимуляция қилиш давомийлиги тухумдонларнинг кломифен резистентлиги бўлмаган аёлларга нисбатан 1,13 барабар қисқа ( $p < 0,05$ ) бўлиб, бу кўрсаткич мос равишда  $8,2 \pm 0,3$  ва  $9,3 \pm 0,2$  кунни ташкил этди.

Олинган маълумотлар тухумдонларнинг анамнезда кломифен резистентлиги бўлган ёки бўлмаган 1 беморга тўғри келадиган пронуклеусларсиз (0p) зиготаларнинг ўртача сонига тўғри келади. Жумладан, анамнезда тухумдонларнинг кломифен резистентлиги мавжуд бўлганда, 1 беморга тўғри келадиган пронуклеуссиз (0p) зиготаларнинг ўртача сони  $2,3 \pm 0,6$ , резистентлик бўлмаган ҳолда эса  $0,9 \pm 0,1$  ни ташкил этади, бу эса ўз навбатида 2,56 барабар кўпдир ( $p < 0,05$ ).

Диссертациянинг «**Катта репродуктив ёшдаги беморларда уруғлантириш хусусиятлари ва ЭКУ/ЭКУ+ICSI циклининг самарадорлиги**» деб номланган тўртинчи бобида уруғлантириш усуллари ва натижалари келтирилган. Биз беморларнинг текширилган гуруҳларида уруғлантиришни турли йўллар билан амалга оширдик. Икки гуруҳ беморларининг ярмидан кўпи *in vitro* шароитида 64,7% - асосий гуруҳда ва 66,7% - таққослаш гуруҳида спонтан (ЭКО) уруғлантирилди, ICSI беморларнинг 35,3% рГН (асосий гуруҳ), 33,3% да эса мГН қўллаган ҳолда

амалга оширилди. Уруғлантириш натижасининг таснифи 3-жадвалда келтирилган.

### 3-жадвал

#### Ўрганилган гуруҳларда ооцитларнинг уруғланиши тавсифи

Кўрсаткичлар		Асосий гуруҳ	Таққослаш гуруҳи
Пункция давомида олинган ооцитлар сони		585	178
2 пронуклеусалар билан зиготалар	n	318	105
	%	54,4	58,9
3 пронуклеусалар билан зиготалар	n	169	34
	%	28,8	19,2
Уруғланиш мавжуд бўлмаган холлар	n	98	39
	%	16,8	21,9

Уруғлантириш содир бўлмади: асосий гуруҳда - тухумдонларнинг пункцияси натижасида 585 ооцитдан 98 дона олинган (частота 16,8%), таққослаш гуруҳида эса - 178 ооцитдан 39 дан дона олинди (частота 21,9%). Асосий гуруҳдаги беморларда 2 та пронуклеус шаклланиши билан уруғлантириш 54,4% ҳолларда, пешоб гонадотропинлари қўлланилган таққослаш гуруҳида эса - 58,9% да содир бўлган. Нотўғри кутб таначаларининг (3р) шаклланиши билан уруғлантириш асосий гуруҳда 28,8% ва таққослаш гуруҳида 19,2% ҳолларда содир бўлган.

